

Буюк ва муқаддассан, муस्ताқил Ватан!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADO LAT



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

adolat_sdp@doda.uz • www.adolat.uz • № 38 (843) • 2011 йил, 1 сентябрь, пайшанба

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Муस्ताқиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, азиз ва тандошлар!

Хурматли меҳмонлар! Бугун — барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун мамлакатимизда муборак айём, унутилмас тарихий сана — Ўзбекистонимиз муस्ताқилликка эришганининг йигирма йиллик буюк байрами.

Бундан йигирма йил муқаддам биз юртимизда мустамлака зулми ва қарамлик даврига барҳам бериб, юзлар давомда халқимиз интилиб келган эркин ва озод ҳаёт куриш йўлида тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйдик.

Биз учун энг буюк ва энг азиз бўлган ана шу кўлгў байрам билан сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан табриклиб, юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан чексиз бахтиёрман.

Ўзининг неча минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги, ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улғу сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, қадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолажак.

Муҳтарам дўстлар! Биз ўтган давр мобайнида мустақилликка эришиш, эркин нафас олиб, ўз тақдирини ва келажагини ўз қўли билан қуриш жаҳондаги биронта халқ, биронта мамлакат учун ҳеч қачон, ҳеч қачонда осон бўлмаган, деган аччиқ ҳақиқатни ўз ҳаётимиздан ўтказдик, ўз мисолимизда чуқур англадик.

Дарҳақиқат, бугун вақт ўтиши билан юртимизда ўзини оқламаган, эски мустақил тузум асоратлари ва занжирларидан озод бўлиш нақадар оғир кечганини, истиқлол арафасида республикамиздаги вазият тобора кескинлашиб, таҳликали ва ўта хавфли тус олганини яна ва яна бир бор ўзимизга тасаввур қилишимиз ўринли бўлади.

Бирёқлама ривожланган, фақат ҳомаш ётказиб беришга, мутлақ пахта яккахокимлигига асосланган иқтисодиётимиз гоят ноқарор аҳволга тушиб қолгани, қашшоқлик ва бедодликка дучор бўлган аҳолиимизнинг сабр-қосаси тўлиб, ўлкамиз жар ёқасига, портлаб кетиш ҳолатига етиб борганини, одамларимизнинг таъминоти, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш муаммолари нақадар ўткир бўлиб турганини эслайдиган бўлсак, аини шу йиллардаги мавжуд вазият бутун мураккаблиги билан аён бўлади.

Бугун бир ҳақиқатни сира иккиланмасдан, баянда овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор: истиқлол йўлида қандай суронли кунларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келмасин, юртимизга нисбатан қандай хуруж, зуғум ва нўписалар бўлмасин, биз энг оғир ва машаққатли дамларда ҳам мустақиллик гоёсига содиқ қолиб, Ўзбекистон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этишнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришиш — бу фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қуриш ва мустақамлаш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва ҳурмат қозонишдан иборат эканини теран англаб олдик.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўли эса барчамизга яхши маълум: бу — ўзимизнинг ер ости ва ер усти бойликларимиздан, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятимиз, куч-қудратимиздан фойдаланиб, кўпни кўрган, меҳнаткаш халқимизнинг ақлзаковати, ғайрат-шижоати ва халқаро ҳамжамият ҳамкорлигига таяниб, дунёдаги замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидир.

Аҳолиимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини янги, юксак босқичга кўтариш, шу мақсадда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик янгилаш, либераллаштириш ва модернизация қилиш, ушбу жараёнларнинг суръатини имкон даражасида тезлаштириш — биз учун энг мақбул йўлдир.

Айни шу йўл йигирма йиллик янги тарихимиз давомида ҳар томонлама ўзини оқлаб, исботлаб берган, жаҳонда "Ўзбек модели" деб ном олган энг тўғри йўл, десам, мана шу мухташам майдонда ўтирган сиз азизларнинг, кенг жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Утган давр мобайнида биз эришган юксак марралар ҳақида узоқ гапириш, кўплаб рақамларни олиб келиш мумкин. Шулар қаторида Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил мобайнида қарийб 3,4 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсгани, аҳолининг ялпи даромади тахминан 9 марта охириги беш йил давомида дунёдаги санокли давлатлар қаторида ўртача 8,5 фоизни ўзига тўлашга қараганда бу йил ҳам ундан кам бўлмаслиги кутилаётгани иқтисодиётимизнинг изчил ва барқарор ривожланиб, тараққий топаётганининг яққол далилидир.

Истиқлол йилларида ижтимоий соҳа учун давлат харажатлари 5 баробардан зиёд кўпайгани, унинг 60 фоиздан кўпроги соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилгани ҳам дунё миқёсида камдан-кам учрайдиган кўрсаткич бўлиб, бизнинг бош мақсадимиз авваламбор инсон ҳаётини, унинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганини ҳар томонлама исботлаб беради.

Айнан шу асосда йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдақлар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани, бугунги кунда аҳолимиз сони 28,5 миллион кишини ташкил қилаётгани, ҳеч шубҳасиз, буни яна бир бор тасдиқлаб беради.

Азиз дўстларим, биродарларим! Биз қўлга киритган бу юксак марраларнинг илдизи, замини нимада, деган саволга ҳар биримиз ҳеч иккиланмасдан, буларни барчасининг замирида аввало мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидохорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари муҳим ҳиссам, деб катта гуруҳ ва ифтихор билан айтишимиз табиийдир.

Бугун мана шу саховатли заминда "Ўзбекистон — ягона уйимиз" деб яшаётган, қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, барча юртдошларимиз Ватанимиз қўлга киритган ютуқлар, эришган марраларда менинг ҳам муносиб меҳнатим, муносиб ҳиссам бор, деб бошини баянлаб кўтариб, мағрурланиб гапиришга тўла ҳақлидир, десам, аини ҳақиқатни айтган бўламан.

Мана шу юксак минбардан туриб, бизга доимо хайрихоҳ бўлиб, қўллаб-қувватлаб, ёрдам ва кўмак бериб келаётган дўсту биродарларимизга, юртимиз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизгин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равнақ тилашга рухсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда ҳам бўлган тарихий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча азиз меҳмонларимизга, бизнинг бугунги байрамимиз — сизларнинг ҳам байрамингиздир, деб, уларни чин юракдан кутлаб, самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этсак, аини мударра бўлади.

Қадрли юртдошлар! Истиқлол бизга берган бебаҳо бойлик ва имкониятлар,

эришган натижаларимиз ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Аини вақтда мустақиллик тарихига асло ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган улкан марраларимиз қаторида шундай буюк бир ютуғимиз борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Мен буни замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган соғлом ва баркамол авлодимиз тимсолида кўраман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навиқрон азму шижоатини намойён этиб ўтирган, менинг фарзандларим бўлган сиз ўғил-қизларимга, сизлар орқали бутун юртимиз ёшларига қарата айтмоқчиман:

Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар бирингизнинг қалб-бингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин.

Не-не оғир синовлар, тўфон ва суронларни бошдан кечириб, қанча-қанча қурбонлар бериб, она юртимизни омон сақлаган, бизга беэавол етказган аждодларимиз, ота-боболаримизнинг бу йўлда қандай катта меҳнатлари сингганини ҳеч қачон унутмаслик, уларнинг хотираси ва ҳурматини жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Мана шундай ҳиссиётларни қалбдан ўтказиб, барчамиз учун яққо ягона бўлган Ватанимизни янада гуллатиб-яшнатиш, унинг ёруғ ва фаровон келажи учун бутун борлигимизни бағишлаб, керак бўлса, жонимизни фидо этишга ҳам тайёр бўлиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, сиз азиз фарзандларимнинг дилида бўлган олижаноб туйғуларни ифода этган бўламан.

Азиз дўстларим, қадрли ватандошларим!

Бугунги улғу айёмнинг муборак Рамазон ҳайити билан айнан бир пайтга тўғри келгани ҳам Яратганимизнинг эл-юртимизга кўрсатган яна бир инояти ва марҳамати, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилиасиз.

Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан, Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан муборакбод этиб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Буюк ва муқаддас Ватанимиз мангу бор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



БУЮК ВА МУҚАДДАС ВАТАННИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди



"Мустақиллик", "Озодлик", "Хуррият". Бу муқаддас каломлар дунёдаги барча халқлар тилидаги энг тотли, энг улғу, энг азиз, энг ардоқли, энг ҳузурбахш сўзлардир. Чунки ҳар қандай халқ учун қарамликда, бўйнида бўйинтирик, оёғида кишан билан яшаш қанчалик катта фожиа — бахтсизлик бўлса, ўз юртига ўзи эгаллик қилиб, озод ва эркин яшаш шу қадар буюк бахт — олий свадатдир.

Давоми 2-бетда >>

Фидойилар хотирасига эҳтиром

Хусниддин БЕРДИЕВ, ЎЗА муҳбири.

Шонли йигирма йиллигини нишонлаётганимиз Мустақилликнинг ҳар бир йили, ҳар бир кунини халқимиз учун нақадар азиз ва муътабар экани бутун шу муқаддас Ватанда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг номлари тикланди, хотираси абадийлаштирилди. Пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи кўнёт этилган. 31 август юртимизда Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини сифатида нишонлангани халқимизнинг ана шундай асл фарзандлари хотирасига кўрсатилаётган чуқур эҳтиром ифодасидир.

Энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида "Шаҳидлар хотираси" хиббони зиёратчилар билан янада гавжумлашади.



Давоми 3-бетда >>



Бош мақсад — халқ соғлиғи

Фуркат САНАЕВ, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида ўтказилган ислохотлар замирида эл-юрт саломатлиги, инсон манфаатлари ётади. Ана шундай кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ, ўтган 20 йил ичида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган марказлар ташкил этиш, шошилиқ тиббий хизматни такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш, фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда мақтовга арзигулик ютуқларга эришилди.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони билан «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури»нинг қабул қилинишидан қўзланган асосий мақсад ҳам мамлакатимизда тиббий хизматнинг ўзига хос миллий моделини шакллантириш, аҳолига жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш ҳамда тиббиёт соҳасида илғор шакл ва услубларни амалиётга жорий этишдан иборат бўлди...

Давоми 5-бетда >>

Замонавий телекоммуникациялар

истикболдаги тараққиётимизни белгиловчи муҳим омиллardan

Давоми. Боши 1-бетда

Мамлакатимизда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 2000 йилга нисбатан 200 баробарга ошди, ҳозирги кунда 20 миллиондан ортиқ абонентни ташкил этаётгани ана шу муваффақият омиллари билан бирдир. Бугун Ўзбекистонда собиқ иттифок ҳудудидан биринчилардан бўлиб рақамли ва кенг форматли телевиденига тўлиқ ўтиш бўлиш катта миқёсдаги дастурни амалга ошириш бошлангани ҳам эътирофга лойиқ. Бу жараён яқин йиллар ичида, яъни 2015 йилда яқинлаштириш режалаштирилган.

Фуқароларимизнинг интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари йил сайин кенгайиб бораётгани ҳам диққатга сазовордир. Утган йилнинг ўзида Республикада глобал тармоқдан фойдаланувчилар сони 6,6 миллион нафар кишидан ортиб, 1,4 баробарга кўпайгани ҳам соҳа ривожига берилётган юксак эътибордан далolat. Уз навбатида, интернет хизмати кўрсатиш тарифлари ҳам босқичма-босқич камайитирилиб, ундан фойдаланувчилар учун тобора қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзида бу борадаги тарифлар 20 фоизга пасайтирилгани аҳамиятга молик эканини эътироф этиш зарур.

Шунингдек, ўқув жараёнларида кенг форматли коммуникация

тармоқлари ва интернет технологияларини жорий этиш, "Электрон таълим" миллий тармоғини барпо этишни охирига етказиш ҳамда бу йил мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртлирини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-хунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш бўйича комплекс дастурни амалга ошириш келгусидаги устувор йўналишлар сирасига киритилган.

Албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўз навбатида, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мазкур соҳада самарали ҳуқуқий механизмни яратишга муҳим эътибор қаратилмоқда. Утган йиллар давомида соҳани янада ривожлантиришга қаратилган 11 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг учта фармони, Президент ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарорлари ва 300 дан ортиқ идоравий қуноности ҳужжатлари қабул қилинган бунинг яққол далилидир.

Маълумки, Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотлар-

ни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш ташаббуси илгари сурилган эди.

Мазкур қонун лойиҳасида фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли ва сифатли таъминлаш, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, телекоммуникация, ахборот-ишлаб чиқиш алоқа хизматлари, маълумот узатиш ва тарқатишни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий механизмлари белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, Интернет глобал тармоғидаги миллий сегментнинг адрес мақони ва домен номларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи янги нормалар ҳам қонун лойиҳасида ўз ифодасини топмоқда.

Шундан келиб чиқиб, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқда. Чунки қонун бизнинг партияимиз манфаатларига ҳам жавоб беради. "Адолат" СДП сайловолди дастурида таъкидланганидек, партия замонавий телекоммуникация технологияларини фаол жорий этиш, ма-

ҳаллий телефон алоқасининг рақамли тармоқларини ривожлантириш, Интернет тармоғидан умумий фойдаланиш пунктлари сонини кўпайтириш, илгор илмий-технологик ишланмалар экспортини кенгайтириш орқали миллий иқтисодиётимизнинг жаҳон тизимига интеграциялашувини кучайтириш тарафдори.

Ўзбекистонда телекоммуникация соҳасида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда кенг қўламли хизмат кўрсатиш, хусусан, видеоқонференция алоқа, рақамли телевидение ва радио тизимига ўтиш, Интернет тармоғидан фойдаланиш ва жамоавий пунктлари сонини кўпайтириш каби масалалар партия сайловолди платформасининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Мазкур қонуннинг асосий мақсади ҳам давлат ва жамият қурилиши тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ҳисобига сиёсий модернизациялашни таъминлашдан иборат.


Қонун лойиҳасида фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли ва сифатли таъминлаш, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, маълумот тайёрлаш, узатиш ва тарқатиш жараёнига эркин бозор муносабатларини жорий қилиш бўйича ҳуқуқий механизм яратиш кўзда тутилган. Унга, хусусан, интернет жаҳон ахборот тармоғи мил-

лий сегментининг адрес мақони ва домен номларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи янги меъёрлар киритилган.

Бу меъёрлар телекоммуникация соҳасидаги ўлчов бирлиги, зарур аниқликни таъминлаш, техник воситаларнинг ишлаш сифатини ошириш, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги миллий сегментимизнинг адрес мақонини маъмурий бошқариш процедураларини белгилашга қаратилган.

Қонун лойиҳасида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, юридик шахслар фаолиятига, шунингдек, фуқароларнинг кундалик ҳаётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш тамойиллари белгилаб берилган. Шу билан бирга, аҳолининг телекоммуникация тармоқлари кўрсатадиган хизматлардан фойдаланиш имкони ва эркинлигини ошириш, идоравий ва ахратилган телекоммуникация тармоқлари ҳолатини сифат жиҳатдан яхшилаш, бунинг учун ҳуқуқий шарт-шароит яратишга ургу берилган.

Бу қонуннинг қабул қилиниши давлат бошқарувида самарадорлик ошиши, ҳукумат ва фуқаролар ўртасида муштаҳкам, тезкор алоқа таъминланиши, телекоммуникация хизматлари сифати яхшиланиши, сони кўпайиши, айна пайтда, соҳа субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар янада эркинлашишига ҳуқуқий шарт-шароит яратди.



"Адолат" СДП: ташаббус ва тadbирлар

Эзгулик, бахт ва орзулар оғушида

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар ва Яққасарой тумани Кенгаши томонидан "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда Ўзбекистон амалий санъат музейида истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий, маданий, маънавий-маърифий, спорт каби соҳаларда эришилган залворли ютуқларни ўзидо акс эттирувчи "20 йил: эзгулик, бахт ва орзулар оғушида" мавзuida фотокўргазма ташкил этилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутatlари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, таниқли шоир ва ижодкорлар, маданият арбоблари, миллий эстрада хонандalари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тadbирда сўзга чиққанлар истиқлолнинг 20 йиллиги шодибаналари шуқуҳи кезиб юрган юртимизда ўтган йиллар мобайнида бемисл ўзгаришлар, янгиликлар амалга оширилганини алоҳида таъкидладилар. Ватанимизда, айниқса, маданият ва санъат, спорт каби соҳаларда қўлга киритилган натижалар билан халқимиз ҳақли равишда фахрланса арзийди.

— Мамлакатимизда ўтаётган ҳар бир кун ютуқларга бой бўлмоқда, — деди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари И.Саифназаров. — Сабаби, бунёдкор халқимизнинг фидоқорона меҳнати эвазига юртимиз гуллаб-яшнамоқда. Ватанимиз обод бўлмоқда, одамларимиз онгу тафаккурида эврилишлар юз бермоқда. Буларнинг барчаси, сирасини айтганда, истиқлол туфайлидир. Бу тadbирни қўзғатган кишида ана шундай таассурот уйғониши, табиий.

Дарвоқе, кўргазмага қўйилган фотосуратларда ана шу фахрланиш туйғуси яққол намойён бўлди. Ватанимиз севини, истиқлолга шукроналик, оқсоғишликни қадрлаш, юрт соғинчи каби туйғулардан мазкур кўргазмадан жон олган суратларда ўз аксини топди.

Таниқли фотосурат устаси Мирсоҳиб Қодиров томонидан ишланган асарларда юртимиз жамоли, гўзал табиати, сўлим гўшалари, тарихий обида ва қадимжолари, диққатга сазовор жойлари бор бўйи билан ифода қилинган. Бу суратларда акс эттирилган санъаткорларимиз сиймоси ҳам катта мазмун касб этиб, ўзига хос маъно, мантиққа эга, дейиш мумкин.

Кўргазмада ана шундай юқори савияда ишланган энг сара эликдан зиёд санъат асарлари иштирокчилар эътиборига хавола қилинди. Тadbирда эл суйган таниқли санъаткорларнинг концерти намойиш этилди.

Ҳозирги кунда бола ҳуқуқларини таъминлаш глобал муаммолардан бири бўлиб, уни ҳал этиш билан боғлиқ масалалар жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат-эътиборида. Бу бежиз эмас. Чунки ёш авлод жамият тараққиёти ва истиқболини таъминловчи етакчи кучдир.

Бола ҳуқуқлари

давлат ҳимоясида

Гулжамол ТОЖИМИРЗАЕВА, Тошкент Давлат Юридик институти 2-курс талабаси

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок жамиятимизда воёга етмаганлар, содда қилиб айтганда, болаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг оила билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларининг таъминланганлик даражасини ошириш энг муҳим вазифалардан ҳисобланиб келмоқда. Қуни-кеча Ўзбекистон "Save the children" ("Болаларни асарайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингидеда болалар саломатлигини муштаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилётган энг илгор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилган болаларнинг соғлом туғилиши ва ўлғайиши йўлида амалга оширилётган улкан ишлар ўзининг салмоқли натижаларини бераётганининг тасдиғидир. Зеро, болалар билан боғлиқ масалалар ҳамма даврда ўзининг долзарб ва кўп қирраллиги билан алоҳида хусусият касб этиб, жамият тараққиёти белгилашда, маънан баркамол, рухан соғлом авлодни воёга етказишда катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Шу ўринда Юртбошимизнинг "Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёсини унун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етуқ, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз лозим" деган ўғитлари ёдимга тушади.

Ешлар учун барпо этилган замонавий таълим муассасалари, спорт ва дам олиш иншоотлари, уларнинг соғлиғига қаратилган эътибор-буларнинг барчаси бар-

Ахборот олиш эркинлиги

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ахборот хизматлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигида намойён бўлади



Қўмита ййгилиши

Нурбек АБДУХАЛИЛОВ, "Adolat" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган ййгилиши бўлиб ўтди. Қўйи палата депутатлари, ҳуқуқшунослар, экспертлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган ййгилишда қўмита ишчи гуруҳи томонидан "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги ва "Тadbиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил торзда ўрганиш яқунлари муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, оммавий ахборот воситаларида юртимизнинг барча соҳаларида юз бераётган улкан ўзгаришлар, олиб борилаётган изчил ислохотларни кенг ва фаол тарғиб этиш учун уларни зарур маълумотлар билан таъминлашда давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларнинг ахборот хизматлари муҳим ўрин тутаяди. Бу борада мамлакатимизда демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган муштаҳкам қонунчилик базаси яратилган.

Мазкур қонунларнинг Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ижросини назорат-таҳлил тартибиди ўрганишдан асосий мақсад ҳам фуқароларнинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз фикрини тарқатиш ҳуқуқи ҳамда эркинлигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий фаоллиги ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги амалий иштирокини ошириш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни яна-

да такомиллаштириш борасида аниқ тақлифларни ишлаб чиқишдан иборат эди. Ушбу масала Бухоро ва Навоий вилоятларидаги бир қатор давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар тизимида атрофлича ўрганиб чиқилди. Аниқландики, бир қатор идора ва ташкилотларда ахборот хизмати фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилган. Улар томонидан қонун ҳужжатлари ва тегишли материаллар веб-сайтларга жойлаштирилмоқда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиб борилмоқда. Муҳими, ушбу идоралар фаолиятида очиқлик ва ошқоралик, ахборотдан монеликсиз фойдаланиши мумкинлиги сингари тамойиллар таъминланган.

— Бухоро ва Навоий вилоятларидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар ахборот хизматлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериши, ўз фаолияти билан жамоатчилик ва аҳолини мунтазам равишда та-

ништириб бориш самарадорлигини ошириши айна мuddаодир, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Раъно Гаимова. — Хусусан, интернет тармоғидаги веб-сайтлар ишини янада такомиллаштириш, фуқароларга қўний манфаатларига дахлдор бўлган ахборотлар билан танишиб чиқиш имкониятини тўлиқ яратиб бериш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам ўз ечимини кутиб турган масалалардан.

Ййгилишда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, соҳада бозор механизмларини жорий этиш, юртимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, мамлакатимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни тезкор ҳамда ҳолис ёритишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ОАВнинг ўзаро ҳамкорлиги аҳамияти, нодавлат ОАВнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш каби масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида 14 та, Навоий вилоятида эса 13 та нодавлат оммавий ахборот воситалари самарали фаолият олиб бораётгани соҳага бозор муносабатларини татбиқ этиш, босма ва электрон матбуот воситаларининг иқтисодий мустақиллиги, молиявий барқарорлигини таъминлаш, журналистларнинг моддий фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлмоқда.

Шунингдек, ййгилишда бозор механизмларини жорий этишни жадаллаштириб, бу йўналишда яратиб берилаётган ташкилий-ҳуқуқий асослардан унумли фойдаланиш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Жумладан, нодавлат оммавий ахборот воситалари-

нинг тобора кенгайиб бораётгани тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш орқали оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада муштаҳкамлаш борасида ҳам мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш, медиа-бизнесда менежмент ва маркетинг масалалари, тахририятларнинг молиявий ҳамада иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, журналистларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан аниқ тақлифлар ўртага ташланди.

Кун тартибидида масалаларни муҳокама қилиш чоғида сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, фикр-мулоҳазалари ва амалий тақлифларини баён этдилар.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимликлар билан ҳамкорликда муштаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш масалалари ўз дастурий мақсадларига мослигини ва долзарб аҳамият касб этишини эътироф этдилар.

Кенгайтирилган ййгилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Юртбошимиз айтганларидек, мамлакатимизда демократик янгиликларнинг бугунги босқичида олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни муштаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат. Қолаверса, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Фуқаролар фикри доимий эътиборда

Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Балхик тумани кенгаши ташаббуси билан Сиза қишлоғида ташкил этилган давра суҳбати айна шу мавзуга бағишланди. Унда таъкидланганидек, Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг маънавий ҳамада иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, журналистларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан аниқ тақлифлар ўртага ташланди.

Кейинги йилларда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланган кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди. Бирок бу борада барча фуқаролар ҳам етарли тушунчага эгами? Давра суҳбати иштирокчилари айна шу савол юзасидан ўзаро фикр алмашиди, фуқароларнинг фикрлари тингланди.

— Биз бугун кўпроқ оддий фуқаролар орасига кириб боришимиз зарур, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП Балхик тумани Кенгаши раиси Н.Шералиев. — Айниқса, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аёллар, кексалар ва вақтинча ишсиз бўлган фуқаролар билан кўпроқ ишлаш лозим. Шунда халқимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалади, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла англаб етadi.

Давра суҳбати якунида қўрилган масала юзасидан амалга оширилаётган вазифалар белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаровон турмушимиз

асоси

аҳоли бандлиги, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига бевосита боғлиқдир

Давоми. Боши 1-бетда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар муваффақияти аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш вазифаларининг қай даражада бажарилаётганига бевосита боғлиқдир. Зеро, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш нафақат демократик ислохотларни чуқурлаштиришни, иқтисодиётни эркинлаштиришни, ҳуқуқий маданий юксалтиришни, айни пайтда аҳолини иш билан таъминлашни, айниқса, фуқароларнинг кам таъминланган қатламни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришни ҳам тақозо этади.

Истиқлол йилларида бу соҳада қатор қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлашга, бандлик дастурининг изчил амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, бандлик дастури соҳасидаги қонун ҳужжатларининг мутасадди ташкилотлар томонидан бажарилиши борасида доимий равишда текширувлар ва мониторинглар олиб борилмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган ҳудудий дастурларга мувофиқ юртимизда бу борадаги кўрсаткичлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Биргина ўтган тўрт йил кўрсаткичларини таққослайдиган бўлсак, 2007 йилда мамлакатимизда 630 мингдан ортиқ, 2008 йилда 661 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқур тус олган бир шароитда, яъни 2009 йилда мамлакатимизда яратилган иш ўринлари 940 мингдан зиёд, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди. 2010 йилда 950 мингдан ортиқ ҳамда жорий йилнинг 1-ярмида республика бўйича 520,2 мингта янги иш ўринлари яратилди. Ваҳоланки, бу даврда бутун дунё бўйлаб 30 миллиондан ортиқ иш ўрни қисқарди.

Бу эса Президентимиз Ислам Каримов томонидан асос солинган, ҳукуматимиз томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури асосида амалга оширилган ислохотлар инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этиш баробарида бозор муносабатлари асосланган бошқарув тизимига ўтиш бўйича биз танлаган, машҳур беш тамойилни ўз ичига олган "Ўзбек модели"нинг узокки кўзлаб қабул қилинган ҳамда давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислохот этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегиясининг на-

қадар асосли эканлигини исботлаб берди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этишга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари бўлиб қолмоқда. Шу асосда ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифалари ҳам иш билан таъминланаётгани эса янада диққатга сазовордир.

2009 йилда — кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ, саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнати рағбатлантириш натижасида 130 мингга яқин янги иш ўринлари очилди.

2010 йилда — янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжалиқларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларига асосан 2011 йилга 18 мингдан ортиқ корхоналарда 105 мингга яқин иш ўринлари ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топшида қийналаётган ва меҳнат бозоридан тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун захираланган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярмида ушбу иш ўринлари 52 мингга яқин фуқаролар жойлаштирилди.

Муस्ताқиллик йилларида келажгимиз эгалари бўлмиш ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарларни эгаллашга бўлган инти-лишларини қўллаб-қувватлаш,


миз лозим.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, **Ички бозоримизни рақобатбардор ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолиимизни, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз даркор.**

Ана шу нуқтаи назардан ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарларни эгаллашга бўлган инти-лишларини қўллаб-қувватлаш, турли тўғарақлар, ижтимоий ёрдам марказлари, клублар ташкил қилиш орқали ёшларни касбга йўналтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, пировардида, уларнинг бу борадаги қобилиятларини ривожлантиришга, бозор иқтисодиёти та-моилларини ўрганишларига ва ўз соҳасининг етуқ мутахассис-ларини тайинлашда давлатимиз раҳбарининг кўрсатишлари, тадбиркорлик кўникмаларини шакл-лантиришга кўмаклашиш асосий вазифаларимиздандир.


Коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашда давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш орқали 18,2 мингдан зиёд кичик корхона ва микрофирмаларда жами 46,2 минг нафар коллеж битирувчилари ишга қабул қилинишига эришилди.

Жорий йилда таълим муасса-



салари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш учун тижорат банклари томонидан 21 миллиард сўмлик ажратилган маблағлардан жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 3,8 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди ва бунинг ҳисобига 1,5 мингдан зиёд битирувчилар ўз тадбиркорлик ишларини ташкил этдилар.

Тахлилчилар, иқтисодчи олимлар ва сиёсатчилар томонидан 2010 йилнинг энг муҳим ҳужжатларидан бири сифатида эътироф этилаётган ушбу Фармоннинг қабул қилиниши бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг салкам ярмини ёшлар — истиқлол даврининг янги авлоди вакиллари ташкил этади. Фармон, шубҳасиз, уларга кўрсатилаётган ғам-хурлиқнинг яна бир амалий ифодаси бўлиш билан бирга ёш, ма-лакали кадрлар билан тадбиркорларни бозор талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришга, экспорттоб маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини эса рақобат му-ҳитида янада ривожлантиришга туртки беради. Шу ўринда Ўзбекистонда ёшлар сиёсатининг янги босқичга кўтарилгани асосан, қишлоқ ҳудудларида исти-қомат қилаётган ёшларга бўлган муносабат билан изоҳланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Янги, замонавий лойиҳалар асо-сида қурилаётган ўйлар, банк-лар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар эртанги кун эгаларининг муштаҳам оёққа ту-риб олишларига имкон бераёп-



дунё ёшлари орасида ишсизлар сонининг 13 фоиздан ошгани қайд этилди. Мутахассисларнинг фикрича, 2009-2010 йилларда 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган 620 миллион йигит-қизларнинг 81 миллиони ишсиз қолгани ҳам хавотирларнинг бежиз эмасли-гини кўрсатмоқда. Дунё иқтисо-диётини синашда давом этаёт-ган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳақиқатан ҳам энг кўп азият чекаётганлар ора-сида хали ҳаётда ўз ўрнини то-пиб улгурмаган ёшларнинг кўпайиб бораётгани ташвишлар-лиро ҳолатдир.

Минг шукри, Ўзбекистонда биргина 2010 йилнинг 28 июлида қабул қилинган "Таълим муасса-саларининг битирувчиларини тад-биркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида"ги Президент Фармони ёшларга тадбиркорлик соҳасида фаолият юритиш учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Тахлилчилар, иқтисодчи олимлар ва сиёсатчилар томо-нидан 2010 йилнинг энг муҳим ҳужжатларидан бири сифатида эътироф этилаётган ушбу Фар-моннинг қабул қилиниши бежиз эмас, албатта. Чунки мамла-катимиз аҳолисининг салкам яр-мини ёшлар — истиқлол даври-нинг янги авлоди вакиллари таш-кил этади. Фармон, шубҳасиз, уларга кўрсатилаётган ғам-хурлиқнинг яна бир амалий ифо-даси бўлиш билан бирга ёш, ма-лакали кадрлар билан тадбир-корларни бозор талаблари дара-жасида маҳсулот ишлаб чи-қаришга, экспорттоб маҳсулот-лар ишлаб чиқарувчи корхона-лар фаолиятини эса рақобат му-ҳитида янада ривожлантиришга туртки беради. Шу ўринда Ўзбе-кистонда ёшлар сиёсатининг янги босқичга кўтарилгани асо-сан, қишлоқ ҳудудларида исти-қомат қилаётган ёшларга бўлган муносабат билан изоҳланаётга-нини алоҳида таъкидлаш жоиз. Янги, замонавий лойиҳалар асо-сида қурилаётган ўйлар, банк-лар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар эртанги кун эгаларининг муштаҳам оёққа ту-риб олишларига имкон бераёп-

ти. Замонавий технологиялар-нинг асосан қишлоқ ҳудудлари-да ўрнатилаётгани шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги тафовут-ларни бартараф этишга хизмат қила бошлади. Албатта, Ўз-бекистон яқин келажакда тарақ-қий этган иқтисодиёти биланги-на эмас, балки билимдон, маъ-навий жиҳатдан етуқ фарзанд-лари билан ҳам жаҳонни лол қолдиришига шубҳа йўқ. Аммо бу жараён маҳаллий раҳбарлар-дан тортиб ҳар бир фуқарога-ча, давлат ва нодавлат ташкилот-лардан тортиб сиёсий партия-ларгача, оммавий ахборот во-ситаларидан тортиб маҳалла фуқаролар йиғинларигача та-шаббускор ва фаол бўлиши та-лаб этади. Қолаверса, минтақа-нинг бўлажак тақдирини ҳам кўп жиҳатдан Ўзбекистонга боғлиқ экани турли халқроқ доиралар-да эътироф этилаётганини на-зарда тутсақ, мамлакатимиз танлаган тараққиёт йўли кел-ажакда қўшни давлатларга ҳам намуна бўлиши мумкинлигини англаб етамиз. Бу эса улкан им-кониятлар мамлаката бўлган ана юртимизнинг эртаси учун ҳар бир фуқаро дахлдорлик ҳисси билан яшаши лозимлигини ан-глатади.

Хулоса ўрнида, жаҳон молия-вий инқирози шароитида ҳатто ривожланган давлатлар ҳам ижтимоий соҳага ажратилади-ган маблағларни қисқартариш-га мажбур бўлиб, ишсизлар со-ни ошиб бораётган бир давр-да мамлакатимиз иқтисодиёт-нинг барқарор суръатларда ривожланиётгани, ишсизлик-нинг тизимли равишда, бос-қичма-босқич бартараф этила-ётгани, ёшларимиз қизиқиш-лари бўйича касбга йўналтири-либ, ўз мутахассислиги бўйи-ча мижга жойлашаётганилиги, ҳар бир фуқаро шу Ватан равнақи йўлида меҳнат қилиб, тинч, осуда ва фаровон ҳаёт кечи-раётганилиги — барча-барчаси муस्ताқилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз томонидан узок истиқболни кўзлаб танланган тўғри йўл ва албатта, истиқлолимиз берган бекиёс имкониятлар шарофа-тидир.

"Адолат" СДП: ташаббус ва тадбирлар

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Вилоят Кенгаши аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, шаҳар, туман кенгаши раислари ва партия фаоллари қатнашган йиғилишда бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилиб, қизғин муҳокама қилинди.

Фаолият самарадорлиги — муҳим вазифа

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилоят Кенгаши матбуот хизмати.

Қайд этилганидек, ҳозир вилоятда 6 минг нафардан зиёд партия аъзолари бўлиб, уларнинг аксариятини зиёли-лар ташкил этади. Турли таш-килот, идора ва муассасалар-да эса 250 дан ортиқ бошлан-ғич партия ташкилотлари фа-олият юритмоқда.

— Бугунги давр биздан партиявий фаолиятни кенгай-тириб, ишга янгича ёндашу-ни тақозо этмоқда, — деди партиянинг вилоят кенгаши раиси А.Аҳмедов. — Аҳолини партиямиз гоё ва дастурла-ри билан яқиндан таништи-риш, хайрихоҳ инсонларни жипслаштириш борасида қатор амалий ишлар қилин-моқда. Ўтказаяётган тадбир-ларимизда асосан ана шунга қатна эътибор бераёلمиз. Негаки, шу орқали халқ ора-сига кириш, муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишга кўмаклашиш, бир сўз билан айтганда, одамлар ишончини қозониш мумкин. Бироқ ҳар доим ҳам чекка қишлоқлари-мизда истиқомат қилаётган юртошларимизнинг ҳаётий муаммоларини таҳлил қилиб, уларнинг ечимини топишга, ишсиз ёшлар ва хотин-қиз-ларни фойдали меҳнатга жалб қилишга, мавжуд кам-чилик ва нуқсонларни аниқ-лаш масалаларига эътибор қарата олмаёلمиз.

Жорий йилнинг ўтган дав-ри давомида вилоят Кенгаши ташаббуси билан жойларда нодавлат нотижорат ташки-лотлар ҳамкорлигида 200 дан ортиқ турли мавзуларда тад-бирлар ташкил этилди. Ўтқа-зилаётган давр суҳбатлари, учрашув ва семинар-тренинг-ларда асосий эътибор иш са-марадорлигига қаратилмоқ-да. Чунки партия гоғларини тарғиб этишда бу жиҳат гоғт муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимиз муस्ताқили-гининг 20 йиллигига бағиш-лаб ўқув муассасалари, ма-ҳаллалар, корхона ва ташки-лотларда уюштирилган пар-тия мафқураси, мақсад ҳамда амалга оширилган, юртимизда амалга оширилаётган ижти-моий-иқтисодий, сиёсий ис-лохотларнинг мазмун-моҳия-тини кенг тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар, айни-қса, юқори савияда ташкил этилди.

Маълумки, ҳар қандай сиё-сий кучнинг фаолияти ва са-марадорлиги кўп жиҳатдан қўйи бўғинларга боғлиқ. Чун-ки бошланғич партия ташки-лотлари қанчалик жонланса, жойларда партия мавқеи ҳам шунчалик ортади. Шу нуқтаи назардан йиғилишда бу бора-да суҳбатчиликка йўл қўяётган партиянинг Чироқчи, Дехқон-обод туман кенгашлари фа-олиятни танқид қилиниб, тадбир-ларни намунали ташкил этиш ҳисобига партия сафларини фидоий, жонқур аъзолар бил-лан кенгайтиришга қатна улоб қўшаётган партиянинг Китоб, Қарши, Ғузор, Қамаш туман кенгашлари фаолияти ижобий баҳоланди.

Ижроия қўмита йиғилишида-ги мунозараларда сўз олган партиянинг Китоб, Шахрисабз туман кенгашлари раислари Хосият Жабборова, Сурхон Раҳмонов ва бошқалар ташаб-бускор ҳамда изланувчан ёшларни партия сафига кўпроқ жалб этиш туман кенгашлари олдида турган муҳим вазифа-лардан бири эканлигини ало-ҳида таъкидлашди. Фаолият-даги камчиликлар рўй-рост кўрсатилиб, уларни бартараф этишда қатъият ва фидоко-рик муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Шунингдек, тадбир доираси-да Қарши шаҳрида Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари очик акциядорлик жамиятида-ги бошланғич партия ташкило-тининг конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Унда партия фа-оллари томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини яна-да жонлантириш юзасидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар бе-рилиб, жойларда жамоатчилик назоратини мунтазам олиб чи-риш муҳимлиги қайд этилди.

Шу кун жамиятнинг муста-қил фикрга эга, дунёқарашли кенг, тадбиркор, эл-юрт иши-га садоқатли ишчи-элимантчи-ларидан 50 нафари партия аъ-золигига қабул қилинди. Анжуман якунида партия ну-фузини юксалтириш, обрў-эъти-борини ошириш ва барча жаб-ҳада амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда ўз иқтидори, ташкилотчилик қо-билияти билан муносиб ҳисса қўшиб келаяётган бир гуруҳ "Адолат" СДП фаолларига ви-лоят Кенгашининг "Фахрий ёрлик" лари топширилди. Тадбирда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Унутилган ваъдалар

Мулоҳаза
Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
журналист.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг барчаси ўзининг оқиқ дастурларига эга. Улар атрофида жипслашган фаоллар ва депутатлар ўз дастурларида белгиланган мақсад ва вазифалар ҳамда йўналишлардан келиб чи-қиб, қатор эзгу ишларга бош-қош бўлишмоқда.

Одатда сиёсий партиянинг қандай кучга эга эканлиги унинг сайловолди берган ваъдаларининг нечоғли уддасидан чиқи-ши, маҳаллий ихро ҳокимият-лари қабул қилаётган қарорлар устидан жамоатчилик назорати-ни қанчалар йўлга қўя олгани, жойлардаги муаммо ва камчи-ликларни халқ депутатлари ту-ман, шаҳар ва вилоят кенгаш-лари сессиялари кун тартибига кирита олиши, ташаббускорли-ги ва фаоллиги билан баҳола-нади.

Шу жумладан, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятлари-миз, халқимизнинг урф-одатла-ри, анъаналари, бой тарихий меросини асраб-авайлаш, бойи-тиш, халқни Ватан тараққиёт-ига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга ом-мавий жалб этиш каби масала-ларга қаратилган дастурий ва-зифалар "Миллий тикланиш" демократик партиясига ҳос ху-сусятдир. Шу гоё ва мақсад-лар асосида ушбу партия бир

қатор натижаларга эришмоқда. Унинг жойлардаги фаол аъзо-лари, ушбу партия номидан ма-ҳаллий Кенгаш депутатлигига сайланган депутатлар амалга ошираётган ишлар эл назарига тушаяпти. Бироқ бу билан ушбу нуфузли партия иши ҳамма жой-да ҳам бир хил деб бўлмайди. Унинг дастурий вазифалари олис вилоятлар туман кенгаш-ларида ўз ифодасини топаётга-ни йўқ.

Маълумки, Сурхондарё зами-ни тарихий қадимго ва зиёрат-гоҳларга бой ўлка ҳисобланади. Хусусан, Маҷай тешиктош ғори, Кампиртепа, Сополиттепа, Жар-қўтон, Бешқўтон, Кучуктепа, За-роутсой, Қирққиз сингари қадим ажодлар манзилгоҳлари, Имом ат-Термизий, Султон Санжар, Музабод ота, Сўфи Оллоёр каби зиёратгоҳлар шулар жум-ласидандир.

Вилоятнинг Қизирик тумани-да «Етимқум» қишлоғи бор. Қишлоқ ҳудудига жойлашган қумтепалик кўлаб зиёратчилар

ни ўзига тартади. Туман тиб-биёт бирлашмаси бош шифо-кори Салима Абраеванинг фик-рича, у ердаги қум ноёб физик-биологик хусусиятларга эга бўлгани учун ундан физиотера-пия муолажаларида фойдала-нилмоқда. Халқ табobati ҳам қумнинг кўлаб касалликларга шифо эканлигини аниқлаган.

Албатта, асрлардан буён у одамлар дардида дармон бўлиб келган. Шуниси қизиқки, ям-яшил қишлоқ ўртасида бундай қумтепаликнинг қандай пайдо бўлгани ҳаммани ўйга солиб ке-лади. Қумдаги шифобахш зар-рачалар эса мамлакатимизнинг бирор-бир сахро-ю, заминида мавжуд эмас.

— Ёшлигим шу қишлоқда ўтди. Онамдан бу ирли «Етим-қум»имиз ҳақида жуда кўп ри-воятлар эшитганман. Албатта, афсонавий ҳикматларда қандай-дир ҳақиқат яшириниб ётгандек. Негаки, мана шу тепалик осто-насида Туркманистон, Тожики-стон, Қозғистон, Россия каби мамлакатлардан шифо излаб келган кишилар билан узок су-ҳбат қилганман. Улар Марказий Осиёда бошқа бундай шифо-бахш жойлар йўқлигини эъти-роф этишган, — дейди етим-

қумлик Эшқурбон ака Чоршан-биев.

«Етимқум» катта зиёратгоҳга айланган бўлишига қарамай, унинг чор атрофидаги ободсиз-лик кишини таажжубга солади.

Бундай бетакрор жойни обод қилиб, одамларга тўқис шароит яратишга эътибор зарур. Бу ер-дан имкон излаган ишбилар-моннинг ошиғи олчи бўлишини ҳеч ким йўлаб кўрмагани аф-сусланарлидир.

Шу ўринда миллий мероси-мизни асраб-авайлаш, уни ке-лажак авлодга мерос қилиб қо-лдирш вазифасини ўз зиммаси-га олган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси-нинг Қизирик туман кенгашида-ги 1627 нафар аъзолари-ю, халқ депутатлари туман кенгашидаги 2 нафар маҳаллий кенгаш депу-татларини наҳотки ана шу савол қизиқтирмаётган бўлса, деган ўй хаёлингиздан ўтади.

Наҳотки, кўп минг йиллик та-рихни бошидан кечирган, бу-гунги кунда минг-минггаб одамларнинг ихлосини ўзига қаратган табиий шифобахш кадамжоларга туман мутаса-ди идоралари раҳбарлари, "Миллий тикланиш" партияси фаоллари ва депутатларининг муносабати шу бўлса?.. Нима, туманда бу хайрли ишининг уд-дасидан чиқадиган тадбиркор йўқми? Ахир унинг ортидан янги, қўшимча иш ўринлари яратилиши, маҳаллий бюджет-га қўшимча даромад келиб ту-шиши мумкин-ку?

Дарвоқе, ҳафтада юзлаб зиё-ратчиларнинг эҳсонлари эвази-га ҳам мазкур муборак кадам-жони обод қилса бўлади-ку?! Ижро ҳокимиятининг эътибор-сизлиги ва "Миллий тикланиш"-чиларнинг лоқайдиги наҳот шу даражада бўлса...

Қизирик қишлоқ ҳўжалиги ривожланган аграр туманлар си-расига қиради. Туман иқтисо-диётини кўтариш мақсадида давлатимиз томонидан катта маблағ ажратилиб зовурлар қазилиб, ерларнинг мелiorатив ҳолатлари яхшиланапти. Меҳ-рини, бутун борлигини дех-қончиликка бағишлаган фермер-

лар яхшигина даромад орттири-шапти.

Туманнинг кейинги беш йил-лик ижтимоий-иқтисодий рив-ожланишига назар ташласан-гиз, ободончилик ишлари яққол кўзга ташланади. Узғаришлар кўп. Мисол учун ўтган йили 1 миллирдан 480 миллион 625 минг сўм маблағ сарфлангани ҳолда Олтинсой туманининг Хўжайлоқ булоқ суви 124 километрик темир қувурлар ор-қали Работак, Дўстлик, Янги турмуш, Шодлик маҳаллалари аҳолисининг хонадонларига ки-риб борди.

Туманда ана шундай ижтимо-ий ўзгаришлар буй чўзиб бо-раётган бир пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман Кенгаши фаол-лари ва депутатлари, қолавер-са, ихроия ҳокимияти "Етимқум"-нинг эртасига ҳозирдан эътибор қаратсалар нур устига аъло нур бўларди.

Мамлакатимизда миллий қонунчилик тизимини тақомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. 2010 йилнинг 14 сентябридан кучга кирган «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам айнан шу мақсадда қабул қилинган.

Оддий ишончномалар

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари томонидан тасдиқланиши ҳам мумкин

Ҳуқуқий амалиёт

Мусаллам ҚУРБОНОВА,
Термиз шаҳридаги 3-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада тақомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармонида асосан ишлаб чиқилган мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан бир қатор қонун ҳужжатларига, ҳусусан, «Нотариат тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунларга адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада тақомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариатнинг ролини оширишга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Маълумки, 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги Қонунда нотариат институтининг ҳуқуқий мақоми ва фаолияти билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган. Бугунги кунга қадар унга етти марта қўшимча ва ўзгартишлар киритилган. Айни пайтда ушбу қонунга янги қўшимча ва ўзгартишларнинг киритилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг энг асосийси, Президентимизнинг оқорида таъкидланган фармонига мувофиқ, мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳусусий нотариатнинг тугатилиши ҳамда Ўзбекистон қонунларидан ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳақидаги нормаларнинг қайтарилиши бўлди. Бу тартиб фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилиш билан бирга, нотариат тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди.

Кичик бизнес ривожига кенг имконият

Ислохот одимлари

Илёс РАҲМАТОВ,
Сурхондарё вилояти ДСБ Ахборот хизмати бошлиғи.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият олиб боришлари юзасидан кўплаб ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда.

Жорий йилнинг мамлакатимизда «Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган мазкур йўналишдаги ислохотларни янада жадаллаштириш учун кенг имкониятларни яратиб бермоқда. Шу мақсадда ишлаб чиқилган давлат дастурига мувофиқ бир қатор устувор вазибалар ҳам белгиланган. Жумладан, солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келадиган, ишлаб чиқариш сурьатларининг барқарор ўсиши ҳамда рентабеллигини таъминлаётган корхоналарга нисбатан текширишларни қисқартириш назарда тутилган.

Тадбиркорлар учун яратилаётган бу каби имкониятларнинг мантиқий давоми ўларок, жорий йилнинг 4 апрелида Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат этиш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Шунингдек, қонуннинг 1-моддасидан ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонундан нотариуслар бўлмаган аҳоли пунктларида нотариал ҳаракатларни фуқаролар йиғинларининг раислари амалга ошириши ҳақидаги норма чиқариб ташланди. Бунинг асосий сабаби, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш мақсус юридик билимни талаб қилишидир. Айнан шу сабабдан ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши янада тақомиллаштириш мақсадида мақсус ҳуқуқий билим ва малака талаб қилаётган барча нотариал ҳаракатлар нотариуслар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Афсуски, нафақат аҳолининг баъзи қатлами, балки айрим фуқаролар йиғинларининг раислари ҳам ҳалигача қонунчиликдаги мазкур ўзгартишлардан беҳабарлиги ортқича оворгарчиликлар ва тушунмовчиликлар юзасида келишга сабаб бўлмоқда. Шу боис, фуқаролар йиғинларининг раислари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар ҳусусида мухтасар маълумот ўрнида айтиш мумкинки, эндиликда қонунчиликка биноан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари аҳоли пунктлари ФХДБ органларидан узоқда жойлашган бўлса, ўлимни қайд этиши ҳамда ҳат-хабарни, жумладан, пул ва жўнатмани, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа тўловларни, муаллифлар ва ихтирочиларнинг ҳақларини, пенсия, нафақа ва стипендияларни, шунингдек, банклардан суммаларни олиш учун ишончномаларни белгиланган тартибда тасдиқлашлари мумкин.

Бошқа барча нотариал ҳаракатлар фақат давлат нотариал идораларининг нотариуслари томонидан амалга оширилади. Бу чора-тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад, биринчи навбатда фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Истеъдодли ёшларимизнинг Италиядаги муваффақияти

Фермо шаҳрида 2-14 сентябрь кунлари ўтказилган «Italy Percussion Competition» халқаро зарбли чолғулар фестивалида ўзбекистонлик ўқувчи-ёшлар юқори ўринларни эгаллади

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимиз ёшларининг истеъдодини юзага чиқариш, маънавиятини юксалтириш, улар қалби ва онгида эзгу фазилатларни мустақкам қарор топтириш мақсадида мусиқа таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишдаги мактаблар фаолиятини давр талаблари асосида йўлга қўйиш, уларни зарур ўқув-услубий воситалар, чолғу асбоблари билан таъ-



Суратда: мактаб-интернатининг 1-босқич ўқувчиси Абдулазиз Раҳимбердиев.

минлаш, бошланғич мусиқа таълимини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Бунинг натижасида кўпга истеъдодли ёшлар этишиб чиқмоқда, ёш мусиқачиларимиз нуфузли

халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда муваффақият қозонмоқда. Шу йилнинг 2-14 сентябрь кунлари Италиянинг Фермо шаҳрида ўтказилган «Italy Percussion Competition» халқаро зарбли чолғулар фестивалида АҚШ, Германия, Франция, Испания, Япония, Жанубий Корея, Бельгия, Болгария сингари 54 давлатдан 12

ёшдан 30 ёшгача бўлган чолғучилар иштирок этди. Ўзбекистонлик ўқувчи-ёшлар жаҳон ва юртимиз бастакорларининг энг сара мусиқий асарларини маҳорат билан ижро этгани турли давлатлар мусиқашуносларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан юксак баҳоланди.

Пойтахтимиздаги Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг 1-босқич ўқувчиси Абдулазиз Раҳимбердиев маримба чолғуси ижрочилиги бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Мазкур таълим даргоҳининг 8-синф ўқувчилари Элёр Қиличев литавра чолғуси ижрочилиги бўйича иккинчи, Беҳруз Хайитмуродов учинчи ўринга сазовор бўлди.

— Юртимизда санъат ривожини йўлидаги эзгу ишлар, айниқса, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг довуғи Италияда ҳам жуда баланд экан, — дейди халқаро танлов ғолиби Абдулазиз Раҳимбердиев. — Италиядаги ютуқларимизга жонажон Ватанимизда Юртобимиз Ислам Каримов томонидан биз, ёшларга ҳамда мусиқа санъати ривожига кўрсатилган улкан эътибор самарасида эришдик.

«Лондон — 2012» сари дастлабки қадам

Илёс САХАТОВ тайёрлади.

2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ўйинлари футбол бўйича саралаш мусобақасининг Осиё қитъаси учинчи босқич ўйинлари қарор берилди. Бу босқичда қитъамизнинг энг кучли ўн икки жамоаси уч гуруҳга бўлинган ҳолда тўп сўрмоқда.



С. УРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат

«В» гуруҳидан жой олган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси дастлабки тур учрашувини пойтахтимиздаги «Жар» стадионида Ироқ футболчиларига қарши ўтказди. Қизгин ва мurosасиз бахсларга бой бўлган ўйинда Вадим Абрамов шогирдлари рақиблари устидан 2:0 ҳисобида зафар кўчди.

Тенг курашлар остида кечган биринчи бўлимда ҳисоб очилмаган бўлса, иккинчи бўлимда Па-

вел Смоляченко ўрнига Кенжа Тўраевнинг туширилши олимпиячиларимизнинг ҳужумкорлигини оширди. Натижада дастлабки Темурхўжа Абдуқолиқов ҳисобни очган бўлса, Кенжа Тўраевнинг голи ҳисобнинг 2:0 бўлишини таъминлади.

Гуруҳдаги иккинчи учрашув — Австралия ва БАА олимпия тер-

ма жамоалари ўртасида кечган учрашувда 0:0 ҳисобидаги дуран натижа қайд этилди. Дастлабки турдан сўнг гуруҳда пешқадамликни ўз қўлига олган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси навбатдаги учрашувни 23 ноябрь кuni сафарда Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларига қарши ўтказди.

«Жаҳон чемпиони — 2011»

Пойтахтимизда муайтай бўйича ёшлар, катталар ва хотин-қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақалари қизгин давом этмоқда.

Муайтайчиларимиз — кейинги босқичда

Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси, уч карра жаҳон чемпиони Мавлонбек Қаҳҳоров жаҳон чемпионатидаги дастлабки ғалабасини нишонлади — «А» гуруҳида туркиялик Йилмаз Ўзтуркни мағлубиятга учратди. «В» гуруҳида қатнашаётган муайтайчилик Фулом Ҳалилов хиндистонлик Бойнаосинга Наримини енгган бўлса, яна бир ҳамюртимиз Илхом Рустамов хитойлик Ган Ли устидан ғалаба қозонди. — Ўзбекистонлик муайтайчилар нафақат Осиёда, балки жаҳондаги энг кучли спортчилар эканини яна бир бор намойиш этмоқда, — дейди муайтай бўйича Россия терма жамоаси бош мураббийи Виталий Ильин.

Огоҳ бўлинг, азизлар!

Ёнғин — тилсиз ёв

Дилмурод РАҲИМОВ,
Тошкент Метрополитени кўриқлаш бўйича ИИБ ЁХБ бошлиғи майор.

Тошкент Метрополитени бошқармасининг Ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бўлими ходимлари Метрополитен объектларида ва бекатларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида унинг барча ишчи-хизматчилари билан ёнғин хавфсизлиги мавзусида мунтазам суҳбат ҳамда йўриғий радио суҳбатлар ўтказишни йўлга қўйди. Бу борада ҳозир бекатларда тезкор текширувлар олиб борилмоқда. Режа асосида тунги амалий тактик ўқув машғулотлари ўтказилиб, текширувлар давомида аниқланган камчиликлар юзасидан масъул ходимларга ёзма кўрсатмалар тақдим этиляпти. Пировардида, аниқланган ҳар бир камчиликни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўриляпти.

Тадбирлардан қўзланган асосий мақсад — йўловчилар ўртасида ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишга ва ёнғинлар содир бўлиши олдини олишга эътибор қаратишдир. Жумладан, бекатларда портловчи моддалар ва олов чиқарувчи мосламалар олиб юрмаслик, ишқаланганда учқун ҳосил қилувчи воситалар, усқунлар билан турмаслик зарурлиги каби ҳолатлар ижросига қатъий риоя этиш юзасидан тушунчалар ҳамда амалий кўрсатмалар берилмоқда, огоҳликка чақирилмоқда.

Тошкент Метрополитени — дунё мамлакатларида мавжуд бўлган барча Метрополитенлар ичда энг гузал, энг мухташам ер ости саройларидан бири. Унинг тозалиги, ҳушхаволиги ва турли хавф-хатарлардан хавфсизлигини таъминлаш — нанкин метрополитен ишчи-хизматчилари ёниги ёнғиндан сақлаш хизмати ходимларининг, балки барча йўловчиларнинг ҳам фуқаролик бурчи. Огоҳ, бўлинг, азизлар!

Смартфонлар ўзимизда тайёрланади



Ўзбектелеком ва Хиндистоннинг Olive Telecommunication компанияси ўртасида Ўзбекистонда смартфон ҳамда планшет компьютерларини ишлаб чиқариш тўғрисида келишувга эришилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга тадбиркорлик субъектларига қаратилаётган юксак эътибор натижасида фаолиятимиз кўламининг йил сайин кенгайтириб бораёلمиз, — дейди корхона раҳбари Қурбон Шуқуров. — Иш фаолиятини дастлаб 5 нафар ишчи билан бошлаган, ҳозир 40 кишига етган корхонамиз жамоаси авдан-сотиқ, хизмат кўрсатишдан ташқари истеъмолчиларга қандолат ва нон маҳсулотлари ҳам етказиб бермоқда. Мажбурий тўловларни ҳамда солиқ ҳисоботларини вақтида тақдим этганимиз учун корхонамиз 3 йилгача текширишлардан озод бўлди.

Корхона жорий йилда нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган хорж технологияси билан жиҳозлангани махсулот тури ва хизмат кўрсатиш кўлами янада кенгайишига шубҳа йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ҳусусий сектор фаолиятини кенг ривожлантириш учун яратилаётган бундай қулай шaroитлар кичик бизнес ва тадбиркорликнинг янада равнақ топишига хизмат қилаёпти.

га қуриш кўзланмоқда. Маълумки, Olive Telecommunication компанияси юқори сифатли технологияларни ишлаб чиқариш бўйича дунёга танилган компаниялардан бири бўлиб, Хиндистонда Zipbook номли нетбуқ ва 3 та сим карта билан ишловчи илк телефонларни ишлаб чиқарган.

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши



Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмомил САЙФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Маммазоир ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Раъшан ҲАЙДАРОВ, Таъғат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахрир хайъати: 100000, Тошкент шаҳри, Мамбулатлар кўчаси, 32-уй.
adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 роқом билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Худойёр МАМАТОВ
Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашир учун масъул)
Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва лшқоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Телефонлар: қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); котибнат — 233-41-89.
Навбатчи муҳаррир — Номоз САЪДУЛЛАЕВ.
Навбатчи — Нурбек АБДУҲАЛИЛОВ.
«Adolat»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.

НАШИР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2071-5237
«Шарқ» НМАК Босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 900. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2. Адали — 3862. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.30
1 2 3 4